

## XI. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси денгиз транспортидан ташқари барча замонавий транспорт турларига эга. Республикада темир йўллар ва автомобиль йўллари тармоғи, халқаро аэропортлар мажмуи ривожланган бўлиб, давлат худудини кесиб ўтувчи ва мамлакатнинг халқаро ва транзит ташиш эҳтиёжларини қондирадиган ҳаво йўналишларига эга.


**Юк ташиш.** 2017 йил январь-декабрь ойларида транспортнинг барча турлари томонидан 1174,0 млн.т юклар ташилди, бу 2016 йил январь-декабрга нисбатан 103,7 % ни ташкил этади. Шу билан бирга, юк айланмаси 66,9 млрд. т/км.ни ташкил этиб, 2016 йил январь-декабрга нисбатан 2,5 % га ўсди.

### Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси


	2017 йил январь-декабрь	2016 йил январь-декабрга нисбатан % да
<b>Транспортда ташилган юклар, млн.т</b>	<b>1174,0</b>	<b>103,7</b>
темир йўл транспорти	68,0	100,7
автомобиль транспорти	1040,9	103,8
ҳаво транспорти, минг.т	27,2	102,7
кувур транспорти	65,1	104,7
<b>Транспорт юк айланмаси, млн. т/км</b>	<b>66934,4</b>	<b>102,5</b>
темир йўл транспорти	22949,8	100,1
автомобиль транспорти	13628,8	102,5
ҳаво транспорти, минг.т	156,9	118,7
кувур транспорти	30198,9	104,5

Жами юк ташиш ҳажмида энг юқори улушни автомобиль транспорти – 88,7 % эгаллайди, бошқа транспорт турларида юк ташиш улуши 11,3 % га тўғри келади.

## Транспорт турлари бўйича юк тасиши таркиби



Жами юк айланмаси ҳажмида қувур транспорти 45,1 % ни, темир йўл транспорти – 34,3 % ни, автомобиль транспорти – 20,4 % ни ташкил этади.



Магистрал темир йўл транспорти орқали юкларни жўнаташ 0,7 % га ўсди ва 68,0 млн. тоннани ташкил этди. Темир йўл транспорти орқали ўртacha бир кунда юкларни жўнаташ 186,4 минг тоннани ташкил этди ёки 2016 йил январь-декабрга нисбатан 0,7 % га ўсди. Бир тонна юк жўнаташнинг ўртacha масофаси 337,3 км.ни ташкил этиб, ўтган йил даражасидан 0,6 % га паст бўлди.


**Магистрал темир йўл транспортида ортилган асосий турдаги юклар ҳажми  
(2017 йил январь-декабрь ойлари учун)**

	<i>Минг т</i>	<i>Жами ҳажмга нисбатан улуши, % да</i>	<i>2016 йил январь-декабрга нисбатан % да</i>
<b>Юклар – жами</b>	<b>68030,8</b>	<b>100,0</b>	<b>100,7</b>
<i>ишуандан:</i>			
кўумир	4438,9	6,5	119,6
нефть юклари	10614,8	15,6	99,6
турли рудалар	5006,5	7,4	101,5
қора металлар	796,7	1,2	89,8
қора металл парчалари	784,3	1,1	111,5
кимёвий ва менирал ўғитлар	3999,2	5,9	91,3
қурилиш юклари	6653,1	9,8	99,4
цемент	4863,6	7,1	88,2
ёғоч юклари	17,9	0,03	84,5
пахта толаси	388,4	0,6	73,4
дон ва ёрмалар	1643,0	2,4	129,4
бошқа юклар	28824,4	42,4	102,0

Шунингдек, юк ва йўловчиларни ташишда автомобиль транспорти ҳам муҳим роль ўйнайди.


Автомобиль транспорти орқали 1040,9 млн. тонна юк ташилди, бу 2016 йил январь-декабрга нисбатан 3,8 % га кўпdir. Автомобиль транспортининг юк айланмаси 2,5 % га ўсиб, 13,6 млрд. т/кмни ташкил этди.

#### **Автомобиль транспортида юк ташиш ҳажмининг таққосланиши**



Юкларни ҳаво транспорти орқали жўннатиш 27,2 минг тоннани ташкил этди, бу 2016 йил январь-декабрь даражасидан 2,7 % га юқоридир. Юк айланмаси эса 18,7 % га ўсиб, 156,9 млн. т/кмни ташкил этди.

#### **Ҳаво транспорти юк айланмаси ва йўловчи айланмасининг таққосланиши**




Магистрал қувурлар орқали 65,0 млн. тонна газ (2016 йил январь-декабрга нисбатан 4,7 % га кўп) ва 60,0 минг тонна нефть (10,7 % га кам) кўйилган. Магистрал қувурлар юк айланмаси 4,5 % га ошиб, 30,2 млрд. т/кмни ташкил этди.

## Кувур транспорти орқали юк ташиш таркиби



**Йўловчи ташиш.** Транспортнинг барча турлари бўйича йўловчи ташиш 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 2,3 % га ўсиб, 5653,0 млн. кишини ташкил этди. Йўловчи айланмаси 129,5 млрд. йўловчи/км.ни ташкил этди ва 3,3 % га ўсади.


**Йўловчи ташишнинг ўшиш суръати**  
(2017 йил январь-декабрь 2016 йил январь-декабрига нисбатан, % да)



## Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	<i>2017 йил январь-декабрь</i>	<i>Жами ҳажсмага нисбатан улуши, % да</i>	<i>2016 йил январь-декабрга нисбатан % да</i>
<b>Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши</b>	<b>5653,0</b>	<b>100,0</b>	<b>102,3</b>
темир йўл транспорти	21,2	0,4	103,3
автомобиль транспорти	5565,2	98,4	102,2
ҳаво транспорти	2,2	0,04	104,9
шахар электр транспорти	64,4	1,15	113,0
<i>шундан:</i>			
метрополитен	61,6	1,1	115,1
трамвай	2,3	0,04	84,9
троллейбус	0,5	0,01	64,0
<b>Транспорт йўловчи айланмаси, млн. йўловчи/км</b>	<b>129492,0</b>	<b>100,0</b>	<b>103,3</b>
темир йўл транспорти	4310,2	3,3	109,6
автомобиль транспорти	117157,3	90,5	102,6
ҳаво транспорти	7546,9	5,8	112,1
шахар электр транспорти	477,6	0,4	112,9
<i>шундан:</i>			
метрополитен	449,0	0,4	115,1
трамвай	13,8	0,01	136,6
троллейбус	14,8	0,01	64,0

## Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркиби



Йўловчи ташишда энг юқори улуш автомобиль транспортига – 98,4 %, йўловчи айланмасида – 90,5 % тўғри келади.

2016 йил январь-декабрга таққослаганда автомобиль транспортида йўловчи ташиш 2,2 % га, йўловчи айланмаси – 2,6 % га ўсган.

Темир йўл транспортида йўловчи ташиш 3,3 % га ошди ва 21,2 млн. кишини ташкил этди, йўловчи айланмаси эса 9,6 % га ўсиб, 4310,2 млн. йўловчи/км.ни ташкил этди.

Хаво транспортида 2156,4 млн. киши ташилди, бу 2016 йил январь-декабрга нисбатан 4,9 % га кўпdir. Йўловчи айланмаси эса 12,1 % га ошиб, 7546,9 млн. йўловчи/км.ни ташкил этди.

Хаво кемаларининг кечикмасдан мунтазам етиб келиши 2016 йил январь-декабрдаги 85,6 % ўрнига 82,8 % ни ташкил этди, 3711 авиапарвоз кечикирилган бўлса, 11 таси бекор қилинган. Халқаро ташувларда ҳаво кемаларининг мунтазам етиб келиши 2,8 % га пасайиб, 80,2 % ни ташкил этди (2016 йил январь-декабрда – 83,0 %).

Хаво кемаларининг жами кечикиш вақти 4025 самолёт-соатни ташкил этиб, 2016 йил январь-декабрга таққосланганда 30,8 % га ошган. Кечикирилган парвозларнинг ўртача давомийлиги 6,9 % га ўсиб, 65 минутни ташкил этди.


Метрополитенда йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси 2016 йил январь-декабрга солиширилганда 15,1 % га ўсган.

## Алоқа ва коммуникация соҳаси

2017 йил январь-декабрда алоқа хизматлари ҳажми 7215,7 млрд. сўмни ташкил этди ёки 2016 йил январь-декабрга таққосланганда (амалдаги нархларда) 26,9 % га ўсди.

Мобил алоқа хизматлари (интернетни қўшган ҳолда) жами алоқа хизматлари ҳажмида 68,9 % ни ташкил этди ва 4971,2 млрд. сўмга, шу жумладан аҳолига кўрсатилгани 4405,0 млрд. сўмга тенг бўлди.

### Алоқа хизматлари таркиби



2016 йил январь-декабрга нисбатан мобил алоқа хизматлари 24,6 % га, шу жумладан аҳолига кўрсатилгани – 24,5 % га ўсди.

2018 йил 1 январь ҳолатига мобил алоқа билан таъминланган абонентлар сони 22504,5 минг. абонентни, шу жумладан аҳолида 21940,9 минг. абонентни ташкил этди. Аҳолини мобил алоқа билан таъминланганлиги ҳар 100 киши ҳисобига 68 бирликни ташкил этди.

2018 йил 1 январь ҳолатига Интернет тармоғига уланиш хизматларини кўрсатиш учун рухсатномага эга хўжалик юритувчи субъектлар сони 618 бирликни, жамоавий уланиш пунктларининг жами сони эса 445 бирликни ташкил этди.

Халқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказиш қобилияти 104,1 Гбит/с ни ташкил этди.